Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
17-dekabr,
shanba

№ 151
(3812)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ПРЕЗИДЕНТ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабр куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафот этган қайғули кунларда Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдарлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун Британия ҳукуматига самимий миннатдорлик изҳор этди. Алан Дункан Самарқандга ташрифи чоғида Буюк Британия раҳбарияти номидан Биринчи Президентимиз қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистонда юксак қадрланади.

Ўзбекистон Буюк Британияни жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган давлат, деб билади ва сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш, халқаро майдонда, жумладан, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратади.

Алан Дункан, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевни Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан мубораклаб этди. Буюк Британия давлатимиз раҳбари бошлаган ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаши ва Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти билан Ўзбекистон — Британия ўртасидаги серқирра ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигининг барча йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида бугунги кунда улкан имкониятлар мавжуд бўлган савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштириш янада муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Буюк Британия капитали иштирокида тузилган 544 корхона фаолият юритмоқда.

Жорий йил 17 ноябр куни Британиянинг 30 дан ортиқ компанияси вакиллари иштирокидаги Ўзбекистон — Буюк Британия савдо ва саноат кенгашининг 23-мажлиси самарали ўтди. Унинг якунлари мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, сўнгги йилларда бизнес муҳитни яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик ролини кенгайтиришга қаратилган қарорлар самарасида ушбу мамлакат етакчи компанияларининг жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон бозорига қизиқиши ортаётганидан далолат беради.

Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини, жумладан, Халқаро Вестминстер университети, Кембриж университети иштирокидаги Юқори технологиялар маркази ҳамда Британия кенгаши ваколатхонасининг мамлакатимиздаги фаолиятини юқори баҳоладилар. Ўзбекистонда, айниқса, ёшлар ўртасида инглиз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани инобатга олиниб, ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎзА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 16 декабр куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз жанубий ҳудудининг улкан иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича бошланган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалмоқда.

Вилоятда сўнгги йилларда амалга оширилган энг катта лойиҳалардан бири божхона терминали бўлган «Termez Cargo Centre» халқаро логистика марказидир.

Катта миқдордаги юкларга ишлов бериш ва уларни тушириш-ортиш ишлари амалга ошириладиган мазкур корхона ҳудудида божхона терминали биноси, 300 катта юк машиналарига мўлжалланган жой, автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияси, контейнер ва бошқа юкларни сақлаш омборлари жойлашган, бу ерга темир йўл линияси олиб кирилган.

Бундай мажмуаларнинг барпо этилиши тадбиркорлар учун яратилган шароитларни янада яхшилаш, хорижий давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини юксалтириш имконини беради.

Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Сурхондарё вилоятининг унумдор тупроғидан, қуёшли иқлимидан оқилона ва самарали фойдаланишимиз керак. Вилоятда 2019 йилгача босқичма-босқич 26 минг 800 гектар, жумладан, 2017 йилда 18 минг гектар пахта майдони қисқартирилади. Унинг ўрнига мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжаликлари ташкил қилинади, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта экани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз вилоятда йўл қўйилган камчилик ва мавжуд муаммолар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Тожимурод Мамараимов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Навоий вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Эркинжон Турдимов Сурхондарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

Шеробод тумани ҳокими Абдуҳаким Эшмуродов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Орзиқул Соатов, Термиз давлат университети профессори Сайфулла Турсунов, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри Мансур Равшанов ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун Сурхондарё аҳли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

А.ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 16 декабр куни халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли тармоқларда салмоқли ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда.

Вилоят иқтисодиёти сўнгги беш йилда бир ярим баробар ўсди. Бугунги кунда вилоятда 2 минг 240 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Келгуси беш йилда «Қандим гуруҳи конида газни қайта ишлаш комплекси барпо этиш», «Газли конида нефтни қазиб олиш миқдорини ошириш», «Денгизкўл, Хўжадавлат ва Шарқий Олот газконденсат конларини ўзлаштириш» каби стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Сессияда вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда муайян камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши мамлакатимиз бўйича эришилган марралардан анча орқада қолаётгани, қишлоқ хўжалигида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича белгиланган дастурлар ижроси етарли даражада таъминланмаётгани танқид қилинди.

Бухоро вилоятида юксак марраларни эгаллаш биз кўзлаган кўпгина марраларга эришишда, аввало, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини ошириш, ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, бутун воҳа қиёфасини ўзгартиришда саноатнинг ривожи устувор ўрин эгаллайди, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мутасадди раҳбарлар вилоятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарурлигини таъкидлади.

Сессияда вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни давом эттириш, бунда асосий эътиборни пахта майдонларини қисқартириш ҳисобидан мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кескин ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Навоий, Жиззах, Ангрен ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатаётир. Бу тажрибани кенгайтириш мақсадида Ғиждувон туманида ҳам ана шундай саноат зонасини ташкил этиш кўзда тутилаётир.

Бухоронинг туризм салоҳияти жуда катта. Уни янада ошириш ҳамда самарали фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада дастурламал бўлиб хизмат қилади.

Олот, Қоракўл, Ромитан, Шофиркон туманларида терини қайта ишлашни йўлга қўйиш суст ҳолатда, шўрланган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур шароитлар яратиш, касаначилик, паррандачилик, ҳунармандликни ривожлантириш бўйича ишлар бугунги талабга жавоб бермайди.

Мажлисда бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, Бухоро вилоятининг шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди. Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Муҳиддин Эсонов Бухоро вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан «Ўзагрокимё» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келаётган Ўктам Барноев Бухоро вилояти ҳокими этиб сайланди.

Вобкент тумани ҳокими Асқар Жаводов, «Нуроний» жамғармаси Олот тумани бўлими раиси Саидқул Оқиев, Бухоро вилояти рус миллий маданий маркази раиси ўринбосари Ольга Ермилова ва бошқалар Президентимиз нутқида Бухоро вилоятини ҳар томонлама тараққий эттириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўз ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини янада оширишга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилганини, вилоят аҳолиси билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқларда юксак натижаларга эришиш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э.О.ТУРДИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эркинжон Оқбутаевич Турдимов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Навоий вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Т.Н.МАМАРАИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Тожимурод Нормуродович Мамараимов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ў.И.БАРНОЕВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ўктам Исоевич Барноев Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

М.Т.ЭСОНОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Муҳиддин Турдиевич Эсонов Бухоро вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабр

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг қизғин табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллаш мени чексиз қувонтиради.

Сиз Жаноби Олийларига ушбу масъулиятли лавозимда улкан муваффақиятлар, ўзбек халқига хайру-барокатлар ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлидаги ўзаро ҳамкорлигимизга доимий равнақ ва тараққиёт тилаб қоламан.

Юксак ва самимий эҳтиром билан,

Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз билан табриклаймиз.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим мамлакатидир ва илгари сурилаётган ислоҳотлар Сизнинг давлатингиз ва бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга. Европа Иттифоқи бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

Сиз билан тез орада учрашишга ҳамда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида келгуси йилларда ҳамкорлик қилишга умид билдирамиз.

Сизга масъулиятли ва муҳим вазифангизда улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Самимият билан,

Европа Кенгаши номидан
Доналд ТУСК
Европа Комиссияси номидан
Жан-Клод ЮНКЕР

(2).

Бунёдкорлик

Хоразм вилояти Урганч тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

«Бахт уйи»да бахтиёр оилалар қурилажак

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида адлия тизими идораларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг самарали фаолият юритиши учун замонавий шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Замонавий ва миллий архитектура ечимлари асосида қад ростлаган «Бахт уйи» биносида никоҳни қайд этиш зали, «Оила дорилфунуни», ҳужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган.

Шу куни янги бинода Мансурбек Ҳайитов ва Инобат Авазованинг никоҳи қайд этилди.

— Муҳташам ва замонавий бинода биринчи бўлиб никоҳдан ўтганимиз биз учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди Мансурбек. — Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун севги ва ишонч эвазига бунёд этилган бизнинг ёш оиламиз ҳам мана шу бино каби мустаҳкам ва кўркам бўлишига ишонаман.

Шу куни Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Шовот ва Ҳазорасп туманларидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идоралари ҳам янги бинода иш бошлади.

А.ШОКИРОВ,
ЎзА мухбири

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(1).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз билан самимий табриклайман ва ушбу масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Халқингизга тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

ФИЛИПП,
Бельгияликлар Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз билан Сиз, жаноб Президентга ўзимнинг самимий табригимни йўллайман ва масъулиятли олий вазифангизни бажаришда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Саули НИЙНИСТЁ,
Финляндия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлганингиз билан самимий табриклайман, Ўзбекистон Республикаси ва халқига энг эзгу истакларимни йўллайман.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон ва унинг халқи янада гуллаб-яшнашига ишонаман.

Сизга жамият ва иқтисодиётда ислоҳотларни амалга оширишда муваффақиятлар тилайман. Сиз бошлаган ташаббуслар бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва фаровонликка ижобий таъсир кўрсатишига аминман.

Сизни ишонтириб айтаманки, Эстония Ўзбекистон билан мамлакатларимиз тараққиёти учун яқин ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Керсти КАЛЬЮЛАЙД,
Эстония Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлганингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.

Ўзбекистон халқи Сизга юксак ишонч билдириб, мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва тараққиёт давом этиши учун ўз танловини амалга оширди. Сизнинг фаолиятингиз самарасида Ўзбекистон янада юксак марраларни забт этишига ишончим комил.

Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожланишига ишонаман.

Жаноб Президент, Сизни яна бир бор муборакбод этиш ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

Гиоргий МАРГВЕЛАШВИЛИ,
Грузия Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:

Канада генерал-губернатори — **Дэвид Жонстон**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди — **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби — **Рашид Алимов**

Энергетика Хартияси Бош котиби — **Урбан Руснак**

БМТ Бош котиби махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари — **Петко Драганов**

Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили — **Томас Кунце**

Ислом тарихи, санъати ва маданияти илмий-тадқиқот маркази Бош директори — **доктор Халит Эрен**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэролин Лэмм**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**

«Женерал Моторс интернэшнл» компанияси президенти — **Стефан Якоби**

Ўзбекистон — Швейцария Савдо-саноат палатаси вице-президенти — **Хайнц Висслинг**

«Шиндонг Ресорсез» компанияси президенти — **Ким Ёнг Гу**

«Мицубиши Корпорейшн» катта корпоратив маслаҳатчиси, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси — **Микио Сасаки.**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Давра суҳбати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари фаолиятига оид қонунларга киритилган ўзгартишлардан келиб чиқадиган вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Адлия вазирлиги мутасаддилари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Турли соҳа ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси янада кучайтирилади

Унда жорий йилнинг 28 ноябр куни имзоланган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.



Иштирокчилар мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унга киритилган ўзгартишлар натижасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилганини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, мазкур ҳужжатнинг имзоланиши касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги касаба уюшмаларининг ваколатларининг кафолатлари мустаҳкамлангани, жумладан, касаба уюшмасига бирлашиш учун зарур бўлган ходимларнинг минимал миқдори камайтирилгани таъкидланди. Эндиликда ташкилотларда камида уч нафар ходимнинг ташаббуси билан ҳам касаба уюшмасини тузиш имконияти яратилгани қайд этилди.

Қонунга киритилган жорий ўзгартиришлар орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимлар манфаатлари ҳимояси кучайтирилганини ҳам эътироф этиш зарур. Хусусан, мазкур ўзгартишларда якка тартибдаги тадбиркорларга уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилиши инобатга олинди. Қонунга киритилган ўзгартишлар айнан хусусий тадбиркорлар томонидан ёлланиб ишлаётган ходимлар учун ҳам ўз иш жойларида касаба уюшмасига бирлашиш имкониятини яратиб берди. Шунингдек, бир марталик ишларда банд шахсларга касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқи берилганлиги доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларининг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари кафолати сифатида юзага чиқди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя функциялари ҳам кучайтирилди. Хусусан, илгари касаба уюшмалари меҳнат низоларини кўриб чиқишни кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш ваколатига эга бўлган бўлса, эндиликда бундай ваколат ҳуқуқий ҳимоянинг соддалаштирилган ва самарали воситаси ҳисобланган суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи билан тўлдирилди. Шунингдек, қонунда касаба уюшмаси тақдимномасини кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатлари жорий этилди. Бунга кўра, иш берувчилар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари поймол этилган ҳолатларни бартараф этишни талаб қилиб касаба уюшмаси томонидан киритилган тақдимнома ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилди. Қонуннинг аввалги таҳририда бу муддат бир ой қилиб белгиланган эди. Мазкур ўзгартиш ходимларнинг тегишли ҳолларда қонуний ҳуқуқларини тезкорлик билан тиклаш ҳамда иш берувчи томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни қисқа муддатларда бартараф этиш имкониятларини кенгайтирди.

Шу билан бирга, касаба уюшмалари иш берувчилар билан жамоа музокараларини олиб боришда ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлиши, уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши ҳам белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашга, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

Ёқубжон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Таъкидлаш керакки, жорий йил касаба уюшмалари учун давлат корхона ва ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган мулкчиликнинг бошқа шакллари билан ўзаро муносабатларга аниқлик киритишда муҳим қонунларнинг қабул қилингани билан ажралиб туради. Жумладан, соҳага оид фундаментал ҳисобланган учта қонун қабул қилинди. Булар «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири, ниҳоят, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонундир.

Мамлакатимизнинг аввалги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1993 йилда қабул қилинганди. Бироқ қонун ўша пайтдаги давлат асосий иш берувчи сифатида намоён бўладиган ижтимоий муносабатларга мослашган бўлиб, бугунги кун реалликларига тўлиқ жавоб бермасди. 25 йил мобайнида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида, бугун ходимларнинг асосий қисми, яъни 70 фоиздан кўпроғи хусусий секторда меҳнат қилмоқда. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўрни 60 фоиздан зиёдни ташкил қиляпти. Шу туфайли эски қонун бозор иқтисодиёти талабларига, меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларга мос келмай қолди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Қонун 36 та моддадан иборатдир. Ушбу таҳриргa халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда 7 та янги модда қўшилди. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимини ҳисобга олиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 12 та асосий атама ва тушунча киритилди.

Ушбу Қонун меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, ташкилотларда иш берувчилар ва ходимларнинг ушбу соҳага доир талабларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтиришга, меҳнат шароити ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли шароитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифаларни белгилашга, касаба уюшмаларидаги меҳнат муҳофазаси мутахассисларининг бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларини текшириш жараёнида иштирок этиши натижасида ушбу соҳадаги жамоат назорати самарадорлигини оширишга, бозор иқтисодиёти шароитида амалдаги қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг талабларига қаратилишига асос бўлиб хизмат қилишини таъминлайди.

Жасурбек СИРОЖОВ,
Адлия вазирлиги вакили:

— Касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 34-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» дея белгиланган. Бундан ташқари, касаба уюшмалари тўғрисида Конституциянинг 56-, 58-, 59-моддаларида батафсил сўз юритилган. 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари касаба уюшмалари, жумладан, тизимдаги бошланғич ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Жорий йил қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонун уюшма фаолиятини янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асос сифатида фойдаланиш учун имкон яратди. Унда касаба уюшмалари тушунчаси, фуқароларнинг касаба уюшмаларига уюшиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларининг мустақиллиги, улар фаолиятини тўхтатиш ва бошқа масалалар атрофлича ўз ифодасини топган.

Гавҳар АЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини кучайтириш, улар томонидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий механизмини белгилаш бугунги кун талаби ҳисобланади. Шу туфайли янгитдан қабул қилинган қонунда касаба уюшмалари томонидан олиб бориладиган назоратнинг турига аниқлик киритилиб, «назорат» деган сўз «жамоатчилик назорати» деган жумла билан алмаштирилди. Илгариги қонун таҳририда иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги касаба уюшмасининг тақдимномасини кўриб чиқиш натижаси ҳақида бир ойлик муддат ичида хабар бериши шарт эди. Бугунги кунда эса ушбу муддат тенг ярмига қисқартирилиб, ўн беш кунлик муддат ичида иш берувчи касаба уюшмаси тақдимномасига жавоб бериши шарт этиб белгиланди. Бу эса касаба уюшмаларининг судларга даъво аризасини ўз вақтида киритишига янада қулай имкон яратди.

Бундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилотининг 87-сонли Конвенцияси ратификация қилиниши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг катта ютуғи бўлди. Бу Федерация ходимларнинг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида ҳукуматимиз томонидан ва халқаро миқёсда тан олинишини англатади, десак янглишмаймиз.

Муносабат

Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ ҚАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ТОМОНИДАН КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА.

Абдураим ХАЙДАВОЛОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи туман кенгаши раиси:

— Туман кенгашимиз 100 дан ортиқ таълим муассасасини қамраб олган. Қолаверса, нодавлат сектордаги ташкилотларни ҳам касаба уюшмасига жалб этяпмиз. Аъзолар сони йилдан-йилга ўсмоқда. Таъкидлаш керакки, Чироқчи ҳудуди жиҳатидан йирик туманлар сирасига киради ҳамда тасарруфимиздаги муассасалар анча тарқоқ ҳолда жойлашган. Шундай бўлса-да, бу бизга қилинаётган мурожаатлар ечимини топишда сусткашликка йўл қўйишга асос бўла олмайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, обод ва фаровон ҳаёт йўлида барчамиз бирлашишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай раҳбар халқ билан қанчалик яқин бўлса, унинг дардини тинглаб, билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларга ҳамоҳанг иш тутса, бу унинг фаолият ривожини ҳам белгилайди. Сўз ва иш бирлиги юзага келади.

Маърузадаги «одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади», деган сўзлар ҳар биримиз учун дастуриламал бўлишини хоҳлардим...

Мирзамаҳмуд ТЎХТАБОЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман кенгаши раиси:

— Маърузани синчиклаб ўқир эканман, юртимизнинг келгуси ривожланиш йўли ҳақида тўла тасаввурга эга бўлдим. Биринчи Президентимиз бошлаб берган улуғвор ишларни муносиб давом эттирар эканмиз, инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ деган эзгу ғоя асосида ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишга эришамиз.

Эътиборлиси, маърузада «Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ»лиги таъкидланган. Барча ҳодиса ва предметнинг яралиши назариядан бошлангани каби ижтимоий ҳаётнинг юксалиши ҳам қонунчилик негизини мустаҳкамлашдан бошланади. Шу мақсадда қонун ижросини такомиллаштириш, фуқаролар билан ишлашда мазкур механизмнинг «соатдек аниқ ишлайдиган» бўлишига эътибор қаратишимиз зарур. Бу жараёнга ҳар биримиз масъулмиз. Чунки фаолиятимиз муайян қонунлар асосида ташкил этилади. Уларнинг таъсирчанлигини ошириш, қонун талабларини олға суриш эса ижтимоий масъулиятли бўлишимизни талаб этади.

*«Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — **инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш** масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда». Жамоат ташкилотимизнинг фаолият шиорига ҳамоҳанг мазкур фикрлар эса зиммамиздаги масъулиятни яна бир карра оширмоқда. Зеро, ҳар бир аъзомиз, аввало, фуқаро, уларнинг манфаатини таъминлаш эса бизнинг ҳам касбий, ҳам фуқаролик мажбуриятимиздир. «Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзуниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак». Шу мақсадда ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона, маҳаллага кириб бориш, айни кунларда ўтказилаётган давра суҳбатларида иштирокчилар кўтараётган муаммо, мунозара, мурожаатга эътиборли бўлишимиз керак.*

Шу ва шу каби сиёсатимизнинг юксак мақсадларини, ҳукуматимиз олға сураётган олижаноб вазифаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар қаторида касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этишига ишончим комил.

Б.ҲАМРОЕВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жарқўрғон туман кенгаши раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги маърузасида юртимизнинг бугуни ва эртаси учун энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Маърузада қонунлар инсонлар учун ишлаши кераклиги алоҳида таъкидланди. Асосий масала — қонунлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва масъулларга вақтида етказиш, улар ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш устувор вазифа этиб қўйилгани эътирофга молиқдир.

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборда бўлиши, бунда суд ҳокимиятининг чинакам мустақилликка эришиши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз. Бугун судлардаги бюрократизмга чек қўйиш вақти келганининг ошкора айтилгани барчани хурсанд қилди.

Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак. Ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш белгиланганги, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши айни кўнгилдаги иш бўлди. 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши эса яна бир янгиликдир.

Кириб келаётган 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номланиши ҳам юқоридаги вазифаларнинг бекаму кўст амалга ошишига хизмат қилади.

Бандлик дастури — амалда

Корхона ишчилари — коллеж битирувчилари

Тадбиркор Парвоз Ережепова раҳбарлик қилиб келаётган Нукус шаҳридаги «Zar Dil Dilbar» масъулияти чекланган жамиятининг Қораўзак, Чимбой туманлари ва Нукус шаҳрида тикув цехлари мавжуд.

Замонавий тикув ускуналари билан жиҳозланган ушбу цехларда махсус иш кийимлари, мактаб формаси, турли дизайндаги либослар, парда ва чойшаблар тайёрланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 30 нафар ишчининг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёш мутахассислардир.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Семинар

Меҳнатни муҳофаза қилиш

кун тартибидаги бош мавзу

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жиззах туман кенгаши томонидан «Жиззахдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида ташкил этилган ўқув-семинар янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳиятига бағишланди. Унда касаба уюшма фаоллари, корхона ишчилари, мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Республика кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси Ш.Бегимқулова таъкидлаганидек, ҳозирда касаба уюшмалари ижтимоий ҳамкорлик асосида ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнларида ҳам иштирок этмоқда.

Семинарда хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитлари яратишга эътибор йил сайин кучайиб бораётгани эътироф этилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга алоҳида урғу берилди.

Хусусан, жамоа шартномалари орқали меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни маиший хоналар, профилактик озиқ-овқатлар билан таъминлаш борасида изчил фаолият олиб борилаяпти. Меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, иш ўринларини шаҳодатлаш, тегишли тартибда имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш, ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилаётир.

Иштирокчилар меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур маълумотларга эга бўлишди.

Бахтиёр УЛУҒМУРОДОВ, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Жиззах туман кенгаши раиси

«Гиссарнефтгаз» МЧЖ қўшма корхонасида «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси Қашқадарё минтақавий инспекцияси, вилоят меҳнат бошқармаси ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг масъул ходимлари, йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандислари ва касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан тайёрланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган жамоатчи вакилларнинг иш фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазасига оид роликлар намойиши семинар мазмунини янада тўлдирди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Исоқ Аҳмедов тадбирни олиб борар экан, жумладан, шундай деди:

— Таҳлилларга кўра, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларга хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасида имзоланган жамоа шартномаларига асосан 2016 йилнинг ўтган 9 ойида 12 млрд. 107 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ўтган даврда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари ва жойлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар томонидан жами 972 та меҳнат муҳофазасига оид қоидабузарликлар аниқланиб, аксарияти бартараф этилди.

Семинарда вилоят меҳнат бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи Абдулазиз Маматов қонун ҳужжатларида ногиронларга белгиланган имтиёзлар ҳақида маъруза қилди. Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ёнғинларнинг олдини олиш назорати бўлими катта муҳандиси Соҳибжон Ваитов объектларда, маиший ишлаб чиқариш ва хизмат биноларида ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида атрофлича тавсиялар берди. «Саноатгеоконтехназорат» назорат давлат инспекцияси Қашқадарё минтақавий инспекцияси давлат инспектори Зоҳиджон Ҳасанов хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича амалга ошириладиган ишлар борасида сўз юритди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўлими катта муҳандиси Нурзод Аймаматовнинг заводда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маърузаси ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Қайд этилдики, корхонада мавжуд иш ўринлари аттестациядан ўтказилган. Аттестация комиссиясининг баённомасига асосан, 4020 нафар ходимга бепул сут ёки унга тенглаштирилган маҳсулот олиш, 4265 нафар ишчига қўшимча таътил олиш имтиёзлари белгиланган.

Семинар чоғида ҳамкор ташкилотлардан ташриф буюрган мутасаддилар йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди. Шунингдек, республикамизда давом этаётган ёнғин хавфсизлиги кунларига бағишланган кўргазма қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Нукус агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фаоллари, меҳнат муҳофазаси муҳандислари ҳамда кархона, ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари қатнашди.

Семинарни Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши раисининг ўринбосари Муратбой Данияров олиб борди.

Иш жараёнида маъмурият зиммасига юклатилган масъулият ва вазифалар янада кучайгани, ходимларга муносиб ва адолатли меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланиб, ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникасига риоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга оид фикрлар кенг муҳокама қилинди, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди.

— Ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ходим корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича масъул вакилларнинг доимий эътиборида бўлиши шарт, — деди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Хуршид Умаров. — Ходимларни махсус кийим-бош, иш қуроллари билан тўлиқ таъминлаш меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш маданиятини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Семинарда корхоналарда саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар борасидаги маърузалар ҳам тингланди.

Қатнашчиларнинг соҳага оид саволларига мутахассислар томонидан жавоблар берилди.

Полат ТЎРЕМУРАТОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси

Кўрик-танлов

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан касаба уюшмалари туман ва шаҳар кенгашлари ўртасида «Ибратли касаба уюшма кенгаши» кўрик-танлови ўтказилди.

Ибратли тармоқ

Ишчанлик муҳитини яратиш, меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, ходимларда ўз касбига масъулият ҳиссини шакллантириш ва уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир тизим фаолиятига назар ташлаш имконини берди.

Туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди. Ташаббускорлик ва ишчанлик кўрсатган Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгаши 1-ўрин, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тойлоқ туман кенгаши 2-ўрин, Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси 3-ўринни қўлга киритди. Ғолибларга кўчма соврин ва эсдалик совғалари топширилди.

— Тизимда меҳнат қилаётган 1850 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Болта Даминов. — Ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилашга жиддий эътибор қаратдик. Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида 344 нафар ходимга моддий ва маънавий кўмак берилди.

Акбар АБДУСАИДОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Олов — тилсиз ёв

Ёнғин хавфсизлигига риоя этинг!

Республикамиз ҳудудида янгидан қурилаётган, реконструкция қилинаётган, капитал таъмирланаётган ва қайта техник жиҳозланаётган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш Давлат ёнғин назорати хизматининг муҳим вазифаларидан саналади.

Хусусан, Миробод туманидаги 62 та янги қурилиш масканида ёнғинга қарши ҳолат ўрганилиб, қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг, мансабдор шахсларига керакли тавсиялар берилди. Пайвандчи, қурувчи ва ишчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида қурилиш ишлари олиб борилаётган масканларга алоқадор бўлган барча мансабдор шахслар, пудрат ташкилотларининг раҳбарлари, қурилиш раҳбарлари, буюртмачилар, қурилиш жойларида меҳнат қилаётган қурувчилар қуйидаги эслатмани ёдда тутишини истардик:

- энг оддий ва мураккаб бўлмаган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг;
- ётоқ вагонларида қўлбола ва ностандарт электр иситиш асбобларидан фойдаланманг;
- тармоққа уланган электр асбобларини назоратсиз қолдирманг;
- бино ва иморатларнинг ичида очиқ оловдан фойдаланманг;
- пайвандлаш ва бошқа оловли ишларни олиб бориш учун фақат ихтисослик гувоҳномасига эга бўлган шахсларни жалб қилинг.

Бегали ЖЎРАЕВ, Миробод тумани ёнғиндан муҳофаза қилувчи 3-ҲЁХО командири, подполковник

Эътибор

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан тадбир уюштирилди.

Байрам совғалари берилди

Унга тизимда ишлаган меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд оила вакиллари таклиф этилди. Тадбирда сўз олган туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Анваржон Назаров, тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Дилфузахон Шодмонова йиғилганларни байрам билан қутлади.

Шу куни 140 нафар камхарж ва бокувчисини йўқотганлар ҳамда 44 нафар ногиронга совғалар улашилди. Шунингдек, тадбирга кела олмаган 34 нафар беморнинг уйига бориб, ҳолидан хабар олинди.

Гулноз АБДУЛЛАЕВА, Олтинкўл тумани

Реклама ва эълонлар

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2014 — 2020 йилларга мўлжалланган Стратегик дастури» доирасидаги тадбирларни амалга ошириш бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ШАРТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Лойиҳа номи:
«Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг комплекс интеграллашган ахборот тизимини яратиш (шифр: KasabaKIAT)» (2-босқич).

Лойиҳанинг максимал қиймати: 2,2 миллиард сўм.

Лойиҳани амалга ошириш муддати: 2 йил (январ, 2017 й. — декабр, 2018 й).

1. Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда танлов шартларини бажара оладиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тендер савдоларида иштирок этиши тақиқланмаган барча корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

2. **Ишчи орган:** «TUNE Consulting» МЧЖ
Манзил: Тошкент ш., 100015, Ойбек кўчаси, 59.
Телефонлар: +998 95 142-91-16 (иш), +998 90 979-03-68 (моб.)
e-mail: info@tuneconsulting.net

3. **Тендер савдоларида қатнашиш шартлари:** Тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

4. **Тендер ҳужжатларининг нархи** — 300 000 (уч юз минг) сўм.

5. Тендер ҳужжатларини олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича тендер комиссиясининг ишчи органига мурожаат этиш мумкин (тендер ҳужжатларини олиш учун учинчи шахс томонидан пул тўловларини амалга оширилиши тақиқланади).

6. Тендер таклифини кафолатловчи закалат миқдори лойиҳанинг максимал қийматининг 1%ни ташкил этади.

7. Тендер савдосида қатнашиш учун ариза ва таклифлар Ишчи орган томонидан юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2016 йил 30 декабр соат 17:00 гача қабул қилинади (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Реклама ва эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Юнусобод ҚФЙ, Карвон йўли кўчасида жойлашган умумий ер майдони 0,5038 га, қурилиш ости майдони 515,0 кв.м. бўлган Маъмурий бино ва Бостирма қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 122 333 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2017 йил 17 январ куни соат 11:00 да Республика Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Мазкур объект сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2017 йилнинг 2, 20 феврал кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар 2016 йил 17 декабрдан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва 2017 йил 16 январ куни соат 16:00 да тўхтатилади ва такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR — №0008

2017 йил 17 январ куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-баҳадам ошиш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автомобил қўйилади:

1. Асака банк Сурхондарё вилоят филиалига тегишли бўлган 2008 йилда ишлаб чиқарилган 75 /484 ОАА давлат рақамли «ГБАСҒТАКУМА» русумли техник соз ҳолатдаги автомашина бошланғич баҳоси — **21 400 000 сўм**.

Автотранспорт воситаси билан Асака банк Сурхондарё вилоят филиали вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Юқоридаги мулк **2017 йил 17 январдаги** аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси **2017 йил 1 феврал** куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъуляти чекланган жамиятининг «HAMKORBANK» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзил: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (0-376) 223-25-55.

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи касаба уюшма қўмитаси Маданият ва санъат муассасалари Фахрийлари жамоат бирлашмаси раиси Малика Каримовага волидаи муҳтарамаси

Муҳаббат ЖАЛИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ғофур Ғулом» нашриёт-матбаа ижодий уйи касаба уюшма қўмитаси Маданият ва санъат муассасалари Фахрийлари жамоат бирлашмаси раиси Малика Каримовага волидаи муҳтарамаси

Муҳаббат ЖАЛИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси касаба уюшма фахрийси

Қаршибой АБСОАТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ҳар куни уйдан чиқарканмиз, ўз-ўзидан ҳайдовчи, йўловчи, пиёдага айланамиз. Табиийки, бунда бизнинг бехатар бўлишимиз, эсон-омон яна уйга қайтишимизда йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик амал қилишимиз муҳим ўрин тутади. Шунинг баробарида, ёзилмаган тартиблар ҳам борки, улар йиллар давомида шаклланиб, ўзаро муносабатларда акс этиб келади. Буларга бизнинг ҳайдовчи ва йўловчи сифатидаги бурчимиз, маданиятимиз ҳам киради. Жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача республикамизда «Автотранспорт воситаларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойлиги» ўтказилмоқда. Аслида, саҳифамизнинг мазмун-моҳияти ҳам шунга қаратилган.



Мусоҳаба

Халқ хизматида

Бугунги кунда ҳаётимизни автомобиллар, айниқса, жамоат транспортисиз тасаввур этиш қийин. Хусусан, пойтахтимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида шаҳар йўловчи транспортининг ўрни беқиёс. Элга хизмат кўрсатишдек шарафли вазифани бажаришда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ корхоналари бор имкониятни ишга солаётир. ***Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, акционерлик жамияти бошқарув раиси Отабек СОДИҚОВ*** *билан суҳбатимиз жамият фаолияти ҳақида бўлди.*

— Отабек Ҳотамович, сўзимизни жамиятнинг айни кундаги фаолият қамровидан бошласак...

— Айни кунларда жамият таркибидаги 9 та автобус саройи томонидан шаҳримиз аҳолиси ҳамда пойтахтимиз меҳмонларига маданиятли ва сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 11 ойида қарийб 246 миллион нафардан зиёд йўловчига транспорт хизмати кўрсатилди. Жамият тизимидаги автобус саройлари тасарруфида 1287 дона турли русумли автобус мавжуд бўлиб, уларнинг йўналишларга ўрнатилган жадваллар асосида ўз вақтида чиқарилишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар олиб борилмоқда. Албатта, бу борада автобусларнинг техник тайёрлиги катта аҳамиятга эга. Ҳозирда автобусларнинг тасарруф муддатлари ўртача 6,5 йилни, эскириш миқдори 70 фоизни ташкил этади. Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, мунтазамликни таъминлаш мақсадида ҳаракат воситаларини янгилаш масаласига давлатимиз катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2008 — 2013 йиллар давомида Германияда ишлаб чиқарилган 600 та «Mercedes Benz Low Floor» ва 2007 — 2015 йилларда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган 617 та «ISUZU» русумли автобус харид қилиниб, тасарруф этилмоқда. Қувонарлиси, жорий йилда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июндаги қарорига биноан 80 дона янги турдаги «ISUZU HC 40» русумли автобус сотиб олинди ва ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача республикамиз ҳудудида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам «Автотранспорт воситаларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойлиги» ўтказилмоқда. Автобус саройлари тасарруфидаги автобуслар сифатли хизмат кўрсатиш ойлигига бағишланган плакатлар билан жиҳозланган, ҳар бир ҳайдовчи ва чиптачи билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, ушбу ойлик моҳиятини ёритиб берувчи буклетлар тарқатилган. Сифатли хизмат кўрсатиш ойлигини ўтказиш тасдиқланган чора-тадбирлар асосида ташкиллаштирилган.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан жамоат транспорти қатнови жадвали ва интерваллари қатъий риоя этишни таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, ҳаракатланадиган таркибнинг қатновини «он-лайн» тартибда масофадан туриб назорат қилувчи тизимларни жорий этиш белгилаб берилганди...

— Ушбу қарорга мувофиқ ҳайдовчиларни алоқа воситалари билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда жамоат транспортининг ҳаракатини масофадан назорат қилиш — GPS тизими жорий этилган. Жамият тизимидаги корхоналар томонидан хизмат кўрсатилаётган 128 та автобус йўналишида тасарруф этилаётган 1287 та автобусга GPS-трекерлари ва GPS/GSM-антенналари ўрнатилган. GPS тизимида ишлаётган автобусларни «он-лайн» назорат қилиб бориш Марказий нозимлик хизмати томонидан амалга оширилмоқда. Бунинг учун Марказий нозимлик хизмати ходимлари ва автосаройларда GPS операторлари томонидан мунтазам назорат олиб борилиши ташкиллаштирилган. Улар томонидан зарур пайтда ҳайдовчиларга йўналишларда юз берган ўзгаришлар тўғрисида маълумот бериб турилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида Тошкент шаҳри йўловчиларига қўшимча қулайликлар яратиш учун ҳамда жамоат транспортида GPS-тизимининг ишлашини такомиллаштириш мақсадида мобил мосламалардан фойдаланувчилар учун «TASHBUS» мобил иловаси йўлга қўйилиб, уяли алоқа воситасидан фойдаланувчилар унинг ёрдамида автобусларнинг «он-лайн» режимда ҳаракатланишини кузатиши мумкин. Шунингдек, фойдаланувчилар мобил илова ёрдамида танланган йўналишдаги автобусларнинг ҳаракатини кузатиши, уларнинг кутилаётган бекатга келиш вақти, ушбу бекатдан қайси йўналишлар ўтиши, энг яқиндаги автобус масофасини билиб олишига имкон яратилди. Жорий йилнинг 28 октябридан бошлаб «TASHBUS» мобил иловаси Apple iOS базасидаги уяли телефонлар учун AppStore орқали ҳам бепул юклаб олиниши мумкин.

Йўловчиларга йўналишлар бўйича ҳаракатланувчи автобуслар тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш мақсадида автобус бекатларида электрон таблоларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу «маълумотлар таблоси»да автобусларнинг табло ўрнатилган бекатга келиш вақти жадвали, валюталар курси ва об-ҳаво тўғрисида маълумотлар кўрсатиб борилади. Ҳозирда «маълумотлар таблоси» Тараққиёт кўчасидаги автобус бекатида (6-сонли туғруқхона ёнида) ўрнатилган. «Маълумотлар таблоси» 24 соат давомида ишлаши режалаштирилган бўлиб, автобусларнинг бекатга келиш вақтини кўрсатиб турувчи маълумотлар жадвали эрталаб соат 6:00 дан кечқурун соат 23:00 гача ишлайди.

— Баъзан йўловчилар йўналишли автобусларни куннинг қайсидир қисмида ёки кечки пайт бекатларда кўпроқ кутиб қолишаётгани сир эмас...

— Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига йўловчи транспорти хизмати кўрсатиш давомида автобус саройлари тасарруфидаги автобуслар ўрнатилган режа асосида йўналишларга чиқарилади. Таъкидлаб ўтиш зарурки, йўловчилар ташишни ташкил қилиш самарадорлигини ошириш, автобус йўналишларини янада оптималлаштириш, ҳаракатланадиган таркибнинг рационал миқдорини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар жамоат транспортининг барча турларида йўловчилар оқимини тизимли асосда ўрганиб чиқиш йўлга қўйилган. Шу жумладан, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги автобус саройларига бириктирилган йўналишларда доимий равишда йўловчилар оқимини ўрганиш ишлари олиб борилади ҳамда бунинг натижасида йўналишлар тавсифига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

— Тизимдаги корхоналар ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш хусусида ҳам тўхталсангиз...

— Бу ишлар 2014 йил январ ойида тасдиқланган Низом асосида олиб борилади. Иш ҳақлари ўз вақтида бериб борилиши баробарида, ҳайдовчиларга режа бажарилгани, ҳаракат мунтазамлиги сақлангани, тасарруфда 5 йилдан кўп вақт мобайнида бўлган автобусларда ишлагани учун мукофот пули тўланади. Албатта, бунда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналарда меҳнат қилаётган кўп минг сонли мутахассисларнинг ўрни ва роли жуда катта. Жамият ва унинг тармоқ корхоналарида жами 6 мингга яқин ходим фаолият юритмоқда. Ходимлар орасида турли даражадаги давлат ва жамиятнинг тармоқ мукофотлари билан тақдирланганлари талайгина. Жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Президент фармонига асосан «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ таркибидаги корхоналар ходимларидан бир нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвони, икки нафари «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. 26 нафар ходим «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони соҳиби бўлди. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ бошқарув раисининг буйруғи билан кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган 24 нафар ходим «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими» нишони билан мукофотланди.

Топширилган мукофотлар меҳнат жамоаларини янада руҳлантириб, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматларини янада сифатли ташкил этиш, йўловчиларнинг узоғини яқин қилишда самарали меҳнат қилишга ундайди.

«Ishonch» мухбири Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди

Мулоҳаза

Мамлакатимизнинг ҳар жабҳада тараққий этгани кўчаларимизни тўлдириб юрган миллий автомобилларимиз мисолида ҳам яққол акс этади. Уларнинг сифат ва дизайн жиҳатдан жаҳон бозорида ўз ўрнини топганига ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Қўзғалиш ва юриш тезлиги ҳеч бир машҳур бренд автоуловидан кам эмас.

Ўзаро ҳурмат бўлса...

Гап автолардан оқилона фойдаланиш, машина бошқарувига ўтирганда масъулиятли доимий ҳис этиш ҳақида кетганда бироз мушоҳада-ю мулоҳаза пайдо бўлади. Пойтахт кўчаларида автоулов бошқариб юраман ва деярли ҳар куни турли воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўламан. Улардан ўзимга тегишли хулосалар чиқараман. Аммо баъзи кўнгилсизликлар мен каби улов соҳибларининг хулосасига боғлиқ бўлмайди.

Биринчи мисол: 50 км. соат тезликда кетаётган машина олдига йўл бўйида турган машинанинг олд тарафидан олти ёшлардаги болакай югуриб чиқди. Бахтсиз ҳодиса юз берди. Масофа жуда яқин бўлгани учун фавқулодда тўхташ амалиёти фойда бермади. Болани уриб юборган машинадан кейин келаётганим учун менга бари кўриниб турарди. Эътибор қилсам, йўлнинг нариги бетида боланинг онаси бир аёл билан гап сотиб ўтирган экан. Лоқайдликдан боласи жиддий жабр кўргач, йиғлаганча уни опичлаб югурди. Ҳолбуки, фарзандини йўлдан ўтказиб қўйса бўларди. Яратгандан болажонга шифо сўраб қолавердик.

Иккинчи мисол: йўлнинг чорраҳа қисмида белгиланган пиёдалар ўтиш жойига қулоғида қулоқчин (наушник) бўлган 25 ёшлардаги қиз яқин келди ва светофорга аҳамият бермасдан йўлни кесиб ўта бошлади. Аммо ҳали унинг учун яшил ишора ёнмаганди. Тўғридан келган автоулов соҳиби сигнал фойда бермагач, одам уриб юбормаслик учун рулни ўртадаги бетон тўсиқ томон бурди. Машина мажақланди. Ҳайдовчи жароҳатланди. Қизиғи, йўловчи қиз бу ҳодисага бир қараб қўйиб, йўлида давом этди.

Шунинг баробарида, йўл ҳаракати қоидаларига доимий амал қиладиган йўловчиларимиз аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Ҳатто баъзилари белгиланган жойлардан ўтаётиб, ҳайдовчиларга имо-ишора орқали миннатдорлик билдиришади. Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш лозимки, ҳайдовчилар орасида ҳам шошқалоқ, қўпол, қоидалардан хабарсиз кишилар учрайди. Улар светофор ишоралари алмашмасдан туриб сигнал чалишади, пиёдаларни тезроқ ўтишга ундаб ўшқиришади. Қўпол сўз ва ҳаракат билан бошқа автоулов ҳайдовчисига, йўловчиларга азият етказади.

Бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш учун эса озгина мулоҳаза, эътибор ва ўзаро ҳурмат бўлса кифоя. Йўлимизда учраган ҳар бир кишини яқинимиз, азиз инсонимиз ўрнида кўрсак, шунга яраша муомала қилсак, олам гулистон.

Элёр МИРЗАЕВ, ҳайдовчи

Фотоайбнома



Ўн беш метрлик умр

Одатда инсон учун қанчалик шароит ва енгиллик яратилса, кишилар шу қадар эринчоқ ва дангаса бўлиб бораверади. Натижада, ҳаракатсизлик, соғликнинг ёмонлашиши, баъзан эса бундан-да оғриқли ҳолатлар вужудга келиши мумкин.

Суратларда акс этган Чилонзор буюм савдо ҳамда Бешқўрғон савдо мажмуалари ораси-ғидаги ушбу манзара эътиборимни тортди. Икки савдо мажмуасини ажратиб турувчи ҳар икки томонга ҳаракатланиш имкони мавжуд бўлган катта авто йўлнинг ўртасида баландлиги 2,5 метрдан ошиқ панжара куч билан бузилиб, сунъий равишда ноқулай ва хавфли «пиёдалар ўтиш йўлаги» яратилган. Йўловчиларни бу ердан 15-20 метр нарида жойлашган йўлости йўли туриб, автомобиллар тез ҳаракатланадиган, ҳаёт учун хавфли бўлган ушбу «йўлак»дан фойдаланишга нима мажбур қилаётган экан?

Ачинарлиси, ёшлар қатори кекса ёшдагилар ва боласи ёки неварасини етаклаган онахонлар ҳам бу «йўлак»дан фойдаланаётир. Вақтдан икки дақиқа ютиш ёки йигирма метр ортиқча юришдан эриниб, яқин йўлни мўлжаллаш ўз ҳаётимизни хавф ва таҳликага қўйишга арзирмикан?

Ахир, барчамизни уйда яқинларимиз, оиламиз кутаётганини унутмайлик!

Сулаймон ҲАЙДАРОВ



Қулайлик

Чақирув мосламаси

Сўнгги йилларда республикамиз ҳудудида кўчалар кенгайтирилиб, янги автотураргоҳлар ташкил этилди, пиёдаларга ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда.

Аҳамият берган бўлсангиз, Тошкент шаҳрида пиёдалар ўтиш жойларидаги светофорлар олдида сариқ тугмали махсус мосламалар ўрнатилди. Табиийки, ҳаракат иштирокчиларида бу қандай мослама, у нимага хизмат қилади, афзаллик томонлари нимада, қаерда ишлаб чиқарилган, деган саволлар туғилади.

Бу мослама «чақирув мосламаси», деб аталади. У ўзимизда, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилмоқда ва 2011 йилдан бошлаб пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган кўчалар, ўқув муассасалари олдидаги пиёдалар ўтиш жойларига ўрнатилмоқда. Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг қирққа яқин пиёдалар ўтиш жойларида шундай мосламалар ишлаб турибди.

Ушбу мослама ўрнатилган жойдан ўтмоқчи бўлган пиёда мосламадаги тугмани босса, светофорнинг транспорт воситалари ҳаракатини тақиқловчи қизил чироғи ёниб, пиёдалар учун яшил чироқ ёнади ва пиёда йўлни хавфсиз кесиб ўтиши мумкин бўлади.

Чақирув мосламасининг қулайлиги, ҳаракатланаётган транспорт воситалари учун сабабсиз пиёдалар ўтиш жойида тўхташнинг олдини олади.

Пиёдалар ўртасида ўтказилган сўровномаларда бу қулайлик уларга жуда манзур бўлганлиги қайд этилди. Шуларни инобатга олган ҳолда, бундай мосламаларни кўпайтириш ҳамда уларни республикамизнинг пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган барча ҳудудларига ўрнатиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Акмал ЮНУСОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори, капитан

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 22:30
Topshirildi — 22:40
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 1215.
13560 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Таҳририят ҳисоб рақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100